



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

БУХОРО ВИЛОЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАНИ МАТЕРИАЛЛАРИ



БУХОРО-2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“БУХОРО ВИЛОЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”**

**МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

БУХОРО – 2020

тахлили асосида сўнггисини танлаш; техник-иқтисодий асослаш; лойиҳани тадқиқот таъминоти ва б.к. 2) инвестицион босқич: мувофиқлаштириш; шартномаларни тузиш; лойиҳа-конструкторлик хужжатларни ишлаб чиқиш; лойиҳа раҳбарини аниқлаш; кадрларни тайёрлаш; ишга тушириш тайёргарликларни кўриш. 3) ишлатиш босқичи: фойдаланишга топшириш; лойиҳани тўлиқ қувватигача етказиш: амалдаги қувватларини ишлатишини ва асосий фондларини янгилаш учун харажатларни амалга ошириш [4].

Инновацион лойиҳалар ечиладиган масалаларнинг кўлами бўйича қуйидаги турларга бўлинади [5]:

- монолоийҳалар – одатда бирта вазифани ечишга мўлжалланган бўлиб, белиланган муддатда, муайян молиявий маблағлар доирасида бажарилади ва лойиҳа раҳбари томонидан мувофиқланади.

- мультилоийҳалар – ўнлаб монолоийҳаларни ўзига қамраб оладиган ҳаракат дастури шаклига эга бўлиб, мураккаб инновацион мақсадга эришишга йўналтирган, йирик илмий-техник мажмуани яратиш билан боғлиқ бўлган ва мувофиқлаштирувчи бўлинма лозимлиги билан фарқланади.

- мегалойиҳа – ягона мақсадга эришиш учун ўзаро боғланган юзлаб монолоийҳалар ва бир нечта мультилоийҳаларни бирлаштирувчи кўп мақсадли мажмуали дастур кўринишда бўлиб, марказлашган молиялаштириш ва мувофиқлаштирувчи марказ томонидан бошқаришни талаб қилинадиган лойиҳа.

Инновацион лойиҳаларнинг муваффақиятли бўлишини аниқлаш мезонлари қуйидагилар: молиявий жиҳатдан муваффақиятли; туб янгилик; патент тозаллиги; лицензия билан ҳимояланган; инновацияларнинг устувор йўналишлари; жорий этадиган янгиликларнинг рақобатбардошлиги [6].

Шундай қилиб, инновацион рақобатбардошлик, бир томондан агар туризм соҳасининг амалда эришилган инновацион ривожланиш даражасини акс эттирсин, бошқа томондан, у соҳа самарадорлигининг ўлчов мезони сифатида хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Портер М. Конкуренция: Пер. англ. - М.: Вильямс, 2000. – 495 с
2. Doyle P. Marketing management and strategy. – London: Prentice-Hall Europe, 1999. – 559 p.
3. Инновационная конкурентоспособность. <http://center-yf.ru/data/Marketologu/Innovacionnaya-konkurentosposobnost.php> [02.12.2017].

4. Дрок Т. Е. Инновационный проект как исходный элемент инновационной деятельности предприятия: понятие, содержание и прединвестиционные исследования // Молодой ученый. — 2015. — №10.2. — С. 60-64.<https://moluch.ru/archive/90/19078/>.

5. Аяганова М.П. Инновационный проект как новая форма организации инноваций Журнал: Вестник КарГУ. Караганда. 2015. <https://articlekz.com/article/11868> [22.11.17 г.].

6. Инновационный проект – основа инновационной деятельности. <https://www.kazedu.kz/referat/180630/7> [22.11.17 г.].

7. Чан Ким В., Моборн Р. Стратегия голубого океана. Как найти или создать рынок, свободный от других игроков. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2017. 336 с.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ УНВОНИДАГИ БУХОРОДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КЛАСТЕР ЙЎЛИ

Наврўз-зода Зебинисо Бахтиёрвна

Бухоро давлат университети иқтисодиёт кафедраси
катта ўқитувчиси, Бухоро шаҳри

Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва фан-маданият (ISESCO) нинг қарорига кўра 2020 йил 1 январдан эътиборан қадимий ва навқирон Бухоро шаҳри Ислом маданияти пойтахти унвонини қабул қилиб олди ва Ўзбекистон Республикасига шаҳарнинг рамзий байроғи топширилди (1-расм).



**1-расм. Бухорога Ислом маданияти пойтахти байроғини топшириш
маросими[4]**

Бухоронинг бундай шарафли унвонга эга бўлиши ушбу Шариф шаҳрида мавжуд бўлган ва мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов раҳнамолигида қайта таъмирланган «Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси», «Ҳазрат Абдуҳолиқ Гиждувоний мажмуаси», «Чор Бақр мажмуаси» каби муқаддас қадамжолар дунё ислом аҳлининг асосий зиёрат қиладиган масканларига айлантирилганлиги ҳамда Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йилнинг 16 февраль куни Бухоро вилоятига ташриф буюрганида инсоният тамаддуни бешиқларидан бўлмиш ушбу заминда не-не буюк алломалар, диний ва дунёвий илм эгалари яшаб, ижод қилганини таъкидлар экан, улар мангу кўним топган масканларни янада обод этиб, бу жойларда зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш борасида мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берганлиги муҳим роль ўйнади. Юртбошимиз Етти пир — Абдуҳолиқ Гиждувоний, Муҳаммад Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуалари нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё мусулмонлари учун табаррук масканлар ҳисобланишини қайд этар экан, уларнинг замон талаблари даражасида реконструкция қилиниши Ўзбекистонга янги сайёҳлик йўналишини очишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади [5].

Бухоройи Шарифнинг Ислом маданияти пойтахти унвонининг халқаро миқёсда нуфузини ошириш учун шаҳарда мавжуд бўлган кўпгина муқаддас қадамжоларнинг зиёратчилар нигоҳидан жозибадорлигини оширишга қаратилган таъсирчан ва самарали чора-тадбирларни кўриш тақозо этади. Чунки, Бухорода йирик диний туризмнинг салоҳияти мавжудлигига қарамасдан, шаҳримизда зиёрат туризми ҳали-ҳануз унча ривож топмаган. Бизда асосан ички ва қисман чиқиш зиёрат туризми ривожланмоқда, холос. Лекин, айнан зиёрат мақсади билан хориждан Бухорога келадиган сайёҳларнинг сони жуда ҳам камдир. Агар вилоятда кириш зиёрат туризмига эътибор қаратсак, у туристик хизматларнинг салмоқли экспорт йўналишига айланиб валюта тушумини кўпайтириш, ҳамда янги ишчи ўринларни яратишга қодир бўлади.

Хорижий зиёратчилар оқимини кучайтириш мақсадида, бизнинг фикримизча, зиёрат туризмида **кластер ёндашувини** қўллаш даркор. Дунёда машҳур “Нақшбандия” таълимотининг яратувчиси Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа тасаввуф аҳли намояндалари Абдуҳолиқ Гиждувоний, Хўжа Ориф Ревгарий, Хўжа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хўжа Али Ромитаний, Хўжа Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Мир Кулол қадамжолари (х-расм) айнан Бухоро вилоятининг туман ва шаҳарларида жойлашганини эътиборга олсак, дунё мусулмонлари, қолаверса тасаввуф илми билан қизиқувчи барча инсонларга таклиф қилиш мақсадида **Бухоройи Шарифнинг “Етти**

Пир” зиёрат кластерини шакллантириш имконияти мавжуд. Ушбу зиёрат кластерининг халқаро миқёсда рақобатбардошлигини оширишнинг қуйидаги чора-тадбирларини тавсия этамиз:

1. “Етти Пир” зиёрат кластери хизматларига бўлган талабни зиёратчилар нигоҳидан шакллантириш. Маркетинг тадқиқотлар усулларида зиёрат туризмнинг асосий мақсадларини аниқлаш; зиёратчиларни географик, демографик, хулқ-атвор, психологик ва бошқа аломатлар билан сегментлаш; ажратилган мақсадли зиёратчи гуруҳларни хулқ-атворларини ва ўзига хос талаб–эҳтиёжларини ўрганиш каби маркетинг чора-тадбирларни кўриш, туризмнинг зиёрат шаклини ривожлантиришга олиб келади.

2. “Етти Пир” зиёрат кластери инфратузилмасини ривожлантириш. Туристик маҳсулотнинг ўзига хослиги унинг мажмуалигидадир. Сайёҳлар ташриф давомида меҳмонхона, овқатланиш масканлари, транспорт хизматлари, гид хизматидан фойдаланадилар. Инфратузилманинг бу унсурлари зиёратчилар учун қанча мослаштирилган бўлса, ташрифчиларнинг оқими шунча кўпайиб боради.

4. “Етти Пир” зиёрат кластери каталогини тузиш. Бу каталогда ҳар бир Пирнинг қадамгоҳини рангли расмлари ва қисқача тавсифини жойлаштириб фаол тарғиб қилиш керак. Шунингдек, ушбу зиёратгоҳни хорижда рекламасини ташкил қилиш эвазига кириш зиёратчи оқимини кескин кўпайтириш имконияти вужудга келади.

5. “Етти Пир” зиёрат кластери хизматларга оқилона нарх ўрнатиш стратегияларини жорий қилиш. Бундай хизматларга нарх белгилаш жараёнида фойда ва рақобатга асосланмасдан, балки нархни шакллантиришнинг “харажат плус ўртача фойда” усулига асосланиши маъқул.

6. Зиёрат туризмга ихтисослашган сайёҳлик агентликларини ташкил қилиш. Маълумки, ўлкамизда фаолият кўрсатадиган туристик оператор ва фирмалар асосан маданий ва шаҳар туризмга ихтисослашганлар. Улар диний туризмнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олмасдан фаолият кўрсатмоқда. Агар зиёрат туризмга мослаштирилган зиёрат-воситачилик маркетинг хизматларини республикамизда ташкил қилсак, кириш зиёрат туризми анча ривожланиши мумкин.

7. “Етти Пир” зиёрат кластери информацион тузилмасини шакллантириш. Мамлакатимизда интернетнинг ривож топиши туфайли зиёратгоҳнинг веб-сайтини тузиб интернет орқали уларнинг тарғиботини йўлга қўйиш асносида ушбу зиёрат кластерининг электрон ва мобил бошқариш тизимини яратиш мумкин.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган йўллар ва чора-тадбирлар орқали

Бухорода маданият ва шаҳар туризмлари билан бир қаторда зиёрат туризмини ҳам жадал ривожлантириш ҳамда халқаро майдонда унинг рақобатбардошлигини ошириш имконияти янада ҳам кенгайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ислом олами маданияти пойтахти рамзий байроғи қабул қилинди.
<https://ok.ru/xabar.uz1/topic/150810173247500> [20.01.2020].

2. Ислом олами маданияти пойтахти рамзий байроғи қабул қилинди.
<https://ok.ru/xabar.uz1/topic/150810173247500> [20.01.2020].

3. Наврузова Г.Н., Ибрагимов Н.С. Религиозный туризм. БухГУ, Бухара. 2006.

ТОНКОСТИ ТУРИЗМА АНЦИО (Италия)

Низамов Ахтам

Абдуллаева Вазира

СамГУ, факультет экономики и бизнеса доцент кафедры

экономической теории, г. Самарканд

СамГУ, студентка русской филологии, г. Самарканд

Сфера туризма в настоящее время является одним из крупнейших производителей мирового валового продукта. Согласно данным Всемирного Совета по путешествиям и туризму, на его долю приходится 10,2% всемирного объема ВВП, 30% всемирного объема услуг и 7% мирового экспорта товаров и услуг, а также каждое 10-е рабочее место, создаваемое в мировой экономике. [5]

Основная часть культурного наследия Центральной Азии, а это свыше 70%, находится на территории Узбекистана. В настоящее время их количество превышает более 8 тысяч. Еще несколько сотен объектов находятся на стадии государственной регистрации. Большая часть этих объектов включены в список Всемирного наследия ЮНЕСКО.

Учитывая огромный потенциал Узбекистана в сфере туризма, Указом Президента Республики Узбекистан ПП 4861 от 2 декабря 2016 года – сфере туризма придан статус стратегической отрасли национальной экономики. В перспективе она призвана решить такие важные социально-экономические задачи, как создание новых рабочих мест, диверсификация экономики и ускоренное развитие регионов, увеличение валютных поступлений, повышение благосостояния населения, улучшение